



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2023 йил 18 февраль, № 34 (8377)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХАЛҚ ИЧИГА КИРИБ, ХАЛҚ БИЛАН БИРГА ҚИЛИНАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР НАТИЖАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллалар ҳаёти ва саноат корхоналари фаолияти билан танишиш, янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш мақсадида 17 февраль куни Бухоро вилоятига ташриф буюрди.



Президент ташрифни Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилиш билан бошлади.

Қуръон тиловат қилинди. Аллоҳ таолодан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо ўқилди.

— Ҳамма жойларга бориб, соҳаларга туртки бериб, муаммоларни ҳал этиб, халқни рози қилишга ҳаракат қилаямиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бугун Бухорога ҳам янги марраларни белгилаш, одамларнинг бирини икки қилиш учун келдик. Ҳамма хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.

Олимлар билан суҳбатда диний таълимни ривожлантириш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлиги таъкидланди. — Охириги йилларда ҳамма соҳалар қатори дин буйича ҳам очиклик, эркинлик берилди, бир неча илмий марказлар ташкил этдик. Лекин булардан халқимизга нима манфаат бўлапти? Манфаат шундай бўлиши керакки, бу салохиятнинг жамиятга етказиши керак. Бухорий, Мотуридий, Маргиноний каби буюк боболаримиз меросига таянган ҳолда жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарур. Бунинг учун диний таълимни амалиёт билан боғлаш, илмий марказларимизни дунёда етакчиларга айлантириш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро туманидаги Работикалмоқ маҳалласида бўлиб, аҳоли ҳаёти билан танишди.

Бу ерда 9 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Қуйи тизимдаги манзилли ишлар натижаси ушбу маҳалла-

да ҳам намоён — тадбиркорлик ривожланиб, иш ўринлари кўпаймоқда. Хусусан, илгари фойдаланилмай ётган майдонда тикувчилик корхонаси барпо этилди. 30 дан ортқ хотин-қизлар ўз маҳалласида ишли бўлди. Яқинда иш бошлаганига қарамай корхона 100 мингта трикотаж маҳсулотлари учун буюртма олган.

Давлатимиз раҳбари мақсудли раҳбарлик билан танишиб, ишчилар билан суҳбатлашди.

— Маҳалладаги ўзгаришларни, сизнинг ишли бўлганингизни кўриб, хурсанд бўлдим. Булар — халқ ичига кириб, халқ билан бирга қилаётган саъй-ҳаракатларимизнинг кичик бир натижаси. Агар ҳокимлик ва ташкилотлар шариоит яратиб беролса, ҳар бир оила ўзини эплаб кетолса, мақсадимга эришган бўламан. Шунда катта оиламиз — давлатимиз ҳам мустақам бўлади, — деди Президент.

Шу ерда вилоятдаги тадбиркор аёлларнинг хунармандчилик маҳсулотларидан намуналар намойиш этилди. Улар ишлаб чиқаришда ва касаначилик асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлаётганини сўзлаб беришди. Давлатимиз раҳбари уларнинг бу борадаги ҳаракатларини кўлаб-қувватлаш буйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Работикалмоқ маҳалласида яна 10 дан ортқ савдо ва сервис шохбчалари, Тадбиркорларга хизмат кўрсатиш маркази ҳам бор. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси мукамал таъмирланган. Аҳолининг бўш вақти мазмунли ўтиши учун "Отахонлар чойхонаси", кутубхона,

спорт майдончаси ва хиёбонлар ташкил этилган.

Давлатимиз раҳбари бу шариоитларни кўздан кечирди, шу ерлик Бахтиёр Пулатов хонадониди меҳмон бўлди.

Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига ташрифи чоғида кластерлар раҳбарлари билан мулоқот қилди.

Бухоро вилоятида 11 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият юритмоқда. 2022 йилда улар томонидан қарийб 99 минг гектар ерда 358 минг тоннадан ортқ пахта етиштирилган. Жами 2 триллион 36 миллиард сўмлик 36 та лойиҳа амалга оширилиб, 3 минг 600 та иш ўрни яратилган. Ташқи бозорга қарийб 77 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Мулоқотда бозор конъюнктура-сидаги ўзгаришлар, кластерлар олдиди долзарб масалалар муҳокама қилинди.

— Қийин бўлса ҳам, нима учун кластер тизимига ўтдик? Илгари халқимиз пахта экарди, лекин шунга муносиб манфаат топмасди. Беш йил давомида кластерларни авайлаб, шариоит яратиб, шу даражага олиб келдик. Энди улар халқпарвар бўлиши керак. Майли, бой бўлсин, фақат ҳаёт билан бирга, халқ билан бирга, — деди Шавкат Мирзиёев.

Кластерлар раҳбарлари бугунги натижалари сўнги йиллардаги иш-харажатлар тўғрисида сўзлашди, бунга жавобан ишсизликни камайтириш буйича ўзларига масъулият олишини таъкидлашди.

— Барча ишхаражатларимиздан пировад мақсад — халқимизнинг даромадини ошириш. Камбағаллик-

ни йўқ қилиб, аҳолининг харид қобилиятини оширсак, тадбиркорларнинг иши ҳам ривожланади. Беш йил олдин Бухоро қандай эди, ҳозир қандай? Шу сўрашда давом этса, яна беш йилдан кейин натижалар бундан-да яхши бўлади. Чунки шундай буюк, меҳнаткаш халқимиз бор, — деди Президент.

Кластерлар фаолиятида муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш, сув тежовчи технологияларни кўллаш, инновацион ечимларни жорий этиш буйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари шу ерда бухоролик хунармандлар маҳсулотларини кўздан кечирди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро туманидаги "Акса Енерҗи Bukhara" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишга туширилган иссиқлик электр станцияси фаолияти билан танишди.

Иқтисодиёт ривожланиб, корхоналар кўпайиши билан энергия ресурсларига талаб ошиб бормоқда. Шунинг учун барча ҳудудда бундай қувватларни ошириш чоралари кўриломоқда.

Хусусан, ўтган йили "Акса Енерҗи Bukhara" томонидан иссиқлик электр станцияси ишга туширилган эди. У 150 миллион долларлик тўғридан-тўғри инвестиция эвазига барпо этилган. Ускуна ва жиҳозлар Туркиядан келтирилган. Бу ерда 150 киши меҳнат қилади.

Станция қуввати 270 мегаватт. Бу йилига 2 миллиард 200 миллион киловатт-соатгача электр энергияси ишлаб чиқариш, вилоятнинг 60 фоиз истеъмолини қоплаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари станциянинг диспетчер хонасини кўздан кечирди, бошқарувчилар билан суҳбатлашди.

2023 йилда Бухорода йиллик электр истеъмоли 4,3 миллиард киловатт-соатни ташкил этиб, тақчиллик 150 миллион киловатт-соат бўлиши кутулаётганини инобатга олиб, мутасаддиларга вилоятда тақчилликни қоплаш буйича кўрсатмалар берди.

Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тармоқларда йўқотишларни камайтириш, соҳага юқори технологияларни жалб қилиш юзасидан топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Шофиркон туманидаги "Бухара Азтекс" тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Илгари бу туманда саноат умуман йўқ эди. Қишлоқ ҳўжалигидаги янгилинишлар, кластер тизими натижасида бу ерда ҳам саноат пайдо бўлди. Ҳозир биргина пахтадан ип, калава, мато, тайёр кийимлар, чигитдан ёғ, совун, озуқа ва бошқа ўнлаб маҳсулотлар ишлаб чиқариломоқда.

"Бухара Азтекс" ана шундай замонавий корхоналардан. Бу ерда пахта етиштириш ва уни чуқур қайта ишлашнинг тўлиқ занжири йўлга қўйилган. Шу боис маҳаллийлаштириш даражаси 100 фоизга етган.

Лойиҳанинг қиймати 8,7 миллион доллар. Ускуналар Япония, Германия ва Туркиядан келтирилиб ўрнатилган. Минг нафардан ортқ кишилар иш билан таъминланган. Корхонада йилига 16 миллион

дона тайёр тикувчилик маҳсулотини ишлаб чиқарилади. Уларнинг 50 фоизини хорижга экспорт қилиш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Яна бир муҳим жиҳат, корхона томига кўёш панеллари ўрнатилган. Президент бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан мутасаддиларга кўрсатма берди.

Президент Шавкат Мирзиёев Бухоро вилоятида саноатни ривожлантириш ва энергия таъминотини яхшилаш масалалари буйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилиш аввалида 6 та янги корхона ишга тушириш маросими бўлди. Улар Ғиждувон туманидаги "Ғиждувон ипак тола", Бухоро шаҳридаги "Лайхтер Камалак Текстилен", Жондор туманидаги "Аржумандбону чорваси", Ғиждувон туманидаги "Усмон Шер Шамшод", Ромитан туманидаги "ВБМ Ромитекс" корхоналари ва Бухоро шаҳридаги тўрт юлдузли меҳмонхонадир. Ипакчилик, тўқимачилик, паррандчилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва туризм тармоқларига ихтисослаштирилган бу маҳмуаларда 3 минг 500 та янги иш ўрни очилмоқда. Умуман, буларнинг натижасида вилоят ишлаб чиқаришига 850 миллиард сўм қўшилади.

Давлатимиз раҳбари рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни расман ишга туширди. Видеоалоқа орқали уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ НОМИГА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖО БАЙДЕНДАН МАКТУБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент жаноблари!

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни мустақамлашда кўрсатаётган етакчилигингиз ва шахсий интилишингиз учун, шу жумладан, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Ўзбекистон билан иқтисодиёт ва энергетика масалаларида ўзаро алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, Сизнинг мамлакат сийсий тизимини модернизация ва ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни кўлаб-қувватлаш АҚШ учун устувор аҳамиятга эга.

АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик чуқурлашиб бормоқда ва эришилган ютуқларни 2023 йилда ҳам янада илгари суришимизга умид билдираман.

Сиз Марказий Осиёдаги бешта мамлакатнинг минтақавий ҳамкорлигини кенгайтириш орқали

қўшни мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганингизни алоҳида қайд этмоқчиман.

Бу саъй-ҳаракатлар Марказий Осиёда ва унинг ташқарисиди раванқ ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг шериклигимиз, мана 30 йилдирки, БМТнинг барча мамлакатларнинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишдек асосий принципларига риоя қилиш асосида ривожланди.

Ишончим комилки, ушбу қадриятларга муштарак содиқлигимиз ўзаро алоқаларимиз узоқ муддатли истиқболда янада мустақамлашшига хизмат қилади.

Ҳурмат билан,

ЖО БАЙДЕН

Муносабат

ИСЛОҲОТЛАР ОДАМЛАРНИНГ КУНДАЛИК ҲАЁТИДА АКС ЭТМОҚДА

Бугун том маънода янгилинишлар экиниди яшайамиз. Ҳар бир соҳада бўлаётган ўзгаришлар нафақат рақамларда, балки

одамларнинг кундалик ҳаётида ҳам акс этмоқда. Бу аҳоли даромадлари изчил ўсаётгани, одамларнинг яшаш шариоити тубдан яхшиланиб,

кайфияти, дунёқарши ва ҳаётга муносабати ўзгараётганида намоён бўлаётти.



Инклюзив бизнес Ўзбекистонда кенг эътибор топаётган соҳалардан бири сифатида инсон қадрини ва манфаати устувор бўлган жамиятимизда имконияти чекланганларнинг барча билан тенг бўлган ҳуқуқларини юзага чиқаради. Уларнинг инклюзив бизнесга фаол жалб этилишини таъминлаш ҳамда бунинг учун

барча имконият ва шарт-шариоитларни яратиш, соҳага оид муаммолар ечимларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш дунё жамиятига қаторида жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

4-саҳифага қаранг.

